



ЎЗГАРГАН ИНСОН, ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН ФУҚАРО, ЭРТАНГИ КУНГА ДАХЛДОРЛИГИНИ ҲИС ҚИЛАЁТГАН ЖАМИЯТ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА НАТИЖАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 август куни Кўксаройда бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.



Отаётган ҳар бир мунаввар тонг, ўтаётган ҳар бир дақиқа бизни мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 35 йиллиги байрамига яқинлаштирмоқда. Бундай дориламон, шуқуҳли дамларда ҳар бир юртдошимиз қалби фахр-ифтихорга тўлиб-тошиши шубҳасиз. Шу билан бирга, миллий истиқлолимиз шодиёнаси ортага назар солиш, босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилиш палласи ҳамдир.

Шу маънода, Кўксаройда ўтган тантанали тақдирлаш маросимини ҳам ўзига хос сарҳисоб дейиш мумкин. Зеро, бу ерда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги шиддатли ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, юртимиз тинчлиги, иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз, фаоллар жам бўлди. Улар Президентимизнинг тегишли фармонларида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан faxрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни топширишга бағишланган маросимда, аввало, барчани Мустақиллик байрами, иштирокчиларни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан самимий табриклади.

— 35 йил — тарих учун жуда қисқа давр. Лекин ортада қолаётган йиллар ўзининг кўлами, ютуқ ва натижалари билан асрга татиғулик давр бўлди, десак, асло муболага бўлмайди, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Юртимизда истиқлол шарофати билан эришилаётган катта натижалар, айниқса, кейинги ўн йилликда инсон қадрини улуғлаш йўлида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган тарихий ютуқлар, жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёни, одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар моҳиятига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари ушбу ўзгаришларнинг ҳақиқий муаллифи меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз эканини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилда халқимиз билан бамаслаҳат, ўзаро ҳамжиҳатликда қилинаётган ишлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатда барқарор ўсмоқда. Жумладан, ўтган даврда мамлакатимизда 160 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция киритилди. Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, юртдошларимизни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, бу борада уларга турли имтиёзлар бериш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, фойдаланилмаётган ички имкониятларни

ишга солиш каби таъсирчан чоралар, тадбиркорлик ривожини йўлида амалиётга татбиқ этилган самарали механизмлар ҳисобига иқтисодиётимиз 2,5 баробардан зиёд кўпайди.

Саноат тармоқлари, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 5 миллион 700 минг доимий иш ўрни очилди. Давлат ва хусусий сектор иштирокида 1,5 миллион ўринли замонавий мактаб, 342 минг ўринли боғча ва 62 минг ўринли шифохоналар ишга туширилди.

Албатта, йирик инвестициялар лойиҳалар, тадбиркорлик ҳаракатининг кенг оммалашини иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда юртдошларимиз турмуш тарзини, фаровонлигига яққол намоён бўляпти. Ҳозир аҳолининг камбағаллик даражаси 4 фоизга туширилгани фикримиз тасдиғидир. Бинобарин, ушбу йўналишдаги ислохотлар бошланган даврда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб учдан бир қисмин камбағаллик чегарасида яшаганини ҳисобга олсак, ушбу натижанинг аҳамияти нақадар муҳим экани янада равшанлашади. Асосийси, ортага қайтмас тус олган ислохотлар самарасида жорий йил ялпи ички маҳсулот ҳажми 180 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Одамларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида 83 минг километр умумий фойдаланишдаги ички йўллар қурилди ва таъмирланди. Хўудлардаги 8 миллион киши яшайдиган хонадонларга илк бор марказлашган ичимлик сув кириб борди. Яна 11,5 миллион фуқаронинг сув таъминоти яхшиланди.

Президентимиз аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига тўхталар экан, Андижон вилоятидаги аввалги мураккаб ҳолатга эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистоннинг бир фоиз ҳудудига жойлашган ушбу вилоятда мамлакат аҳолисининг 10 фоизи истиқомат қилади. Табиийки, бир хонадонда 4-5 тагача оиланинг яшашига тўғри келган.

Ўтган ўн йилда 650 минг оилага мўлжаллаб қурилган янги замонавий уй-жойлар нафақат шу каби ноқулайликларни бартараф этиш, балки камида 2,5 миллион юртдошларимизнинг Ватан ичра кичик ўз ватани бўлиши, демакки, уларнинг бугунги яшаётган қунидан розилигига эришишга замин яратди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг қадр-қиммати қишлоқда रिқ-рўз яратаётган фермер ва деҳқонлар, фарзандларга таълим-тарбия бераётган устоз ва мураббийлар,

инсон ҳаётини асраётган шифокорлар меҳнатиде намоён бўлишини қайд этди.

Бунда, шубҳасиз, олимлар, саноатчи ва тадбиркорлар, қурувчи ҳамда архитекторлар, маданият, санъат ва спортни ривожлантириш йўлида хизмат қилаётганлар, давлат хизматчилари, нурунийлар ва маҳалла фаоллари, ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

— Янги Ўзбекистоннинг энг катта натижаси бу ўзгарган инсон, ўз кучига ишонган фуқаро, эртанги кунга дахлдорлигини ҳис қилаётган жамиятдир, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ана шу эзгу ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонларнинг 558 нафари мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

— Ҳар бирингизнинг машаққатли меҳнат йўлингиз, эришган ютуқларингиз, юртимиз тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссангизни жуда яхши биламан, — деди Президентимиз.

Хоразмлик Рустам Султонов, сурхондарёлик Абдусаттор Қурбонов, бекободлик металлург Ғуломжон Турунов, наманганлик фермер

Илҳом Зиёвуддинов, бухоролик пиллакор Жамила Худойбердиева, қорақалпоғистонлик чорвадор Ёсенбай Айтимуратов, самарқандлик ирригатор Асланқул Қаримқулов сингари юзлаб ўз касбининг фидойилари, билимдонларининг самарали меҳнати эвазига бутун мамлакатимиз барқарор ривожланмоқда. Янги Ўзбекистоннинг овози энг нуфузли минбарларда ҳам баланд янграмоқда. Давлатимизнинг халқчил, тинчликпарвар сиёсати дунёда эътироф этиляпти.

Президентимиз давлат мукофотини олган ҳар бир инсоннинг меҳнати ва кўрсатган жасорати алоҳида эътирофга муносиб эканини таъкидлади.

Шу кунларда жойларда унвон, орден ва медалларни қабул қилиб олаётган юртдошларимизга ҳам самимий табриklar айтилди.

Маросимда мамлакатимиз етакчиси мукофотларни ўз эгаларига тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаклар йўллади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-окибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларни намоён этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 852 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 604 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 115 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 52 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, 81 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 7 нафарини чет эл фуқаролари, 49 нафарини аёл, 37 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 375 нафарини ёшлар ҳамда 63 нафарини таққиланган таъшилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўйиб бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Таро АСО: “ЯПОНИЯ – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ТОБОРА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТ КАСЪ ЭТИБ БОРМОҚДА”

Япония собиқ Бош вазири, парламентнинг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси, Вакиллар палатаси депутати Таро Асо мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида “Дунё” АА орқали Ўзбекистон халқига ўзининг самимий табриғи ва эзгу тилакларини йўллади.

— Мамлакат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод етаман.

Япония Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатган илк давлатлардан бири ҳисобланади, — деди Таро Асо. — Ўшандан буён икки мамлакат ўртасидаги алоқалар сиёсат, иқтисодиёт, маданият каби соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда.

► Давоми 2-бетда

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



ЎТТИЗ БЕШ ЁШЛИ ИСТИҚЛОЛ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИССАСИ

Мустақиллик байрами арафасида босиб ўтилган йўл, ўзгарган ҳаёт ва олдинда турган вазифалар ҳақида мулоҳаза

Кеча ва бугун

1991 йил, кузнинг илк кунлари. Мустақиллик биз учун мутлақо янги ва ҳали тўлиқ англаб улгурилмаган, кутилмаган воқеа эди. Мен энди 17 ёшга тўлган талабаман. Барчамизни бир хил саволлар ўйлантиради: Энди нима бўлади? Мамлакат ўзини ҳимоя қила оладими? Халқни нон ва зарур маҳсулотлар билан таъминлай оламизми?

Турмушимиз қандай кечади? Тирикчилик нима бўлади? Ташқи иқтисодий алоқалар энди шаклланаётган эди. Ўшанда биз Сингапур, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Туркия каби давлатларга ҳавас билан қарардик. Савол қийнади: Улар қисқа муддатда қандай тараққий этди? Нега уларда маркетлар тўла, йўллар раvon, мактаб ва университетлар замонавий қиёфада? Чунки биз сафарларда бу манзараларни кўрардик. Ўзимизда эса дўкон пештахталарининг аксарияти бўм-бўш эди. Катта завод ва фабрикалар, қолхоз ва совхозлар инқирозга юз тутганди. Ўшанда ўзимга қўй савол берганман: **йиллар ўтиб, Ўзбекистон қандай мамлакат бўлади?** Бугун ортада қолган йилларга назар ташласак, мамлакатимиз мураккаб, бироқ муҳим ва салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтганига гувоҳ бўламиз.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, аввало, хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни сақлаш билан боғлиқ эди. Бу давр осон кечмади. Биз ўша даврдаги ҳадик ва қўрқув боис, кўплаб муаммоларга

ўралашиб қолдик. Бу эса қатъий қарор қабул қилишга имкон бермади. Сиёсатда турғулик тушунчаси бор, лекин **эркин инсон табииоти ботқоқни хушламайди**. Унга парвоз керак, кенглик керак!

Эврилишлар қандай бошланди?

Мамлакат бир вақтнинг ўзига кўплаб ички ва ташқи муаммоларни ҳал қилиши, янги давлат институтларини шакллантириши ва иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиши керак эди. Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Хўш, бунга қандай йўл билан эришилди? 2016 йил янги Ўзбекистоннинг бошланиш даври бўлди. Шу йили 4 декабрь куни Президентлик сийловы бўлиб ўтди. Унда 88,61 фоиз овоз билан Шавкат Мирзиёев ўта ишончли ғалабани қўлга киритди. Шу кундан давлатимиз янги тарихида мутлақо янги давр бошланди.

Бугунги дунё бамисоли бепоён океан. Шиддатли бўрон ва тўфонларга тўла, таҳдидлар кўп. Бироқ у ерда ҳаёт қайнаётган. Ҳамма ҳаракатда. **Ўзбекистон мана шу тўфонга қўрқмай кириб келди**. Мамлакат иқтисодиёти сезиларли даражада ўсиб, салоҳияти эса тобора оша бошлади. Инсон қадрини улуғлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ислохотларининг бош тамойили қилиб белгиланди.

Ўзбекистонда йирик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, халқаро бозорларга чиқиш ва хорижий компаниялар ҳамда инвесторлар билан рақобатлаша оладиган янги тадбиркорлар қатлами

шаклланиши бошланди. Бундан ўн йил аввал Ўзбекистонда ҳар бир тадбиркор бизнесини ривожлантиришдан кўра, уни сақлаб қолиш, йўқотмаслик ҳақида кўпроқ ўйларди. Мақсадсиз ва сон-саноксиз текширувлар, ортиқча аралашувлар ва турли босимлар ташаббусни бугарди. Бизнесини кенгайтириш имконият эмас, балки ҳавфдек туюларди. Шу боис, одамлар кўзга ташланмасликка интиларди. **ПАНАДАГИ БИЗ-НЕС, ПАНАДАГИ ИҚТИСОДИЁТ, ПАНАДАГИ ОДАМЛАР** — ўша даврнинг огрикли манзараси эди. Яқинда, 18 август куни Президентимизнинг Хоразмда тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотида “Akfa” компанияси асосчиси Жаҳонгир Ортиққўжаев ҳам ўша йилларни эслаб, ўз компаниясига бўлган босимларни, **“маска шоу”ларни**, ўз бизнесини ривожлантиришдан кўра, қандай қилиб уни сақлаб қолиш ҳақида тунлари бедор бўлганларни ёдга олди. Дарҳақиқат, ўша даврда одамлар ривожланиш ҳақида эмас, **фақат омон қолиш ҳақида ўйларди**. Солиқчиларнинг асоссиз босими ва ноҳақ талаблари эса тадбиркорлар учун доимий таҳдидга айланган эди. Ҳар бир кичик дўкон, дорихона ёки йирик бизнеснинг солиқ идорасида **Ўз “қриша”си** бўлиши шарт эди. Бу “қриша”лар ҳар ой 100 доллардан бир неча минг долларгача ўлпон йиғарди. Дорихона бизнеси билан шуғулланган ўз укам Олимхон мисолида бунга гувоҳ бўлганман. **“Нега доим солиқчиларга пора берасан?”** деб сўраганимда, у: **“Ака, агар бермасам, эртга текширув келиб, дорихонамни ёпиб кетгиди”**, дея атрофга олазрак қараб, қўрқув билан гапирарди.

► Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ЎТТИЗ БЕШ ЁШЛИ ИСТИҚЛОЛ:
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИССАСИ

Мустақиллик байрами арафасида босиб ўтилган йўл, ўзгарган ҳаёт ва олдинда турган вазифалар ҳақида мулоҳаза



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Устоз ёзувчи Шукрулло таъкидлаганидек: “Қўрқув одам ҳар кунни ўлади”. Қўрқув шу қадар кучли эдики, ҳалол тadbиркор ҳам ўзини гўё жиноятчидек ҳис қиларди. Бугун вазият бошқача. Tadbиркор муаммосини яширмайди. Уни очик айтиди. Ечим талаб қилади. Бунинг ўзи ишонч муҳити шаклланаётганидан далолат беради. Хусусан, орбўли тadbиркор Зафар Ҳошимовнинг давлатимиз раҳбари билан очик мулоқотда тижорат ижараси масаласини кўтаргани ҳам шу ўзгаришнинг бир кўриниши бўлди. У бизнес ва мулк эгаси манфаатлари ўртасида мувозанат зарурлигини таъкидлади. Демак, бугун муаммо яширилмапти. Муҳокама ва ечим учун очик майдон бор. Шундай анъанавий учрашувлар ва ташабуслар натижасида Президентимиз таъбири билан айтганда, туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасидаги “Чемпион тadbиркор”лар сони ортиб бормоқда. “Чемпион тadbиркор” деганда айланма маблаг бир триллион сўмдан зиёд ишбилармонлар назарда тутилди. Бугун бундай тadbиркорлар юздан ортиқ. Тасаввур қилинг-а, юздан ортиқ! Хўш, авваллари шундай тadbиркорлар бормиди? Асло йўқ!

Tadbиркорлик соҳасидаги туб ўзгаришлар ва изчил трансформациялар Президентимиз томонидан 2016 йили бошланган ислохотлар билан бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунлариданок илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили нафақат амалдорларнинг халқ ҳузурига тушишида, балки, энг аввало, инсонларнинг тафаккурида акс этди.

Тасаввур қилинг: энди чиновник-тўралар ҳузурига икки букилиб кирмайди тadbиркор. Энди тескарис. Мисли қўрилмаган формат жорий этилди — Халқ қабулхоналари феномени. Яъни ҳар бир фуқаро ўз муаммосини Президентга еткази олади.

Натижа кўп куттирмади. Бу ўсиш иқтисодий кўрсаткичларда ҳам кўрина бошлади. Ун йилда мамлакат ЙИМИ 48 миллиард доллардан 147 миллиард долларга ўсди. Ўзбекистонда 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция кириб келди. Энг муҳими, Президентимиз конвертация масаласини ҳам ҳал қилди. Бўлар экан-ку! Биз эса шунча йиллар кўрқиб келдик. Аммо ислохотнинг ҳақиқий қиймати рақамларда эмас.

Жорий йилнинг ўзида 1,7 миллиард долларлик 56 та йирик замонавий санаот ва сервис объекти иш бошлади, 8800 та юқори дарамадли иш ўрни очилди. Шунингдек, бюджетдан ажратилган 46 триллион сўм ҳисобидан 385 та мактаб, 13 та боғча, 81 та шифохона, 7000 километр йўл, 3200 километр ичимлик сув ва канализация тармоқлари қурилди, таъмиланди ва реконструкция қилинди.

Куни кеча Президентимиз томонидан 4 миллиард долларлик 160 дан зиёд корхона ва объектлар ишга туширилди. Қанон бундай бўлган? Ҳеч қачон!

Унинг натижаси минглаб янги иш ўринларида кўринади. Янги корхоналарда кўринади. Экспортга чиқарилаётган маҳсулотларда кўринади. Ўз меҳнати билан даромад топаётган инсонларда кўринади. Фарғонадаги кичик тиккувчилик цехи ўнлаб одамни иш билан танинмамоқда. Бухородаги хунарманд маҳсулотини хорижга чиқармоқда. Наманган ва Андижондаги замонавий корхоналар ташқи бозорга кириб бормоқда.

Энг муҳими, инсоннинг иқтисодий қараши ўзгарди. Боқимандаликдан ташаббуслорликка ўтиш кучаймоқда. Тайёр иш куттиш ўрнига ўз ишини бошлаш истаги ортиб, гоёни бизнесга айлантиришга интилиш кучайди. Панадаги бизнес, панадаги иқтисодиёт, панадаги одамлар ўрнини очик, фаол ва ташаббускор тadbиркорлар эгалламоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиста Мурожаатномасида Уинстон Черчиллнинг ушбу иқтибосини келтирган эди: “Баъзилар тadbиркор деганда соғин сигирни, фақат саноқли одамларгина тadbиркор деганда огир аравани тортаётган меҳнаткаш отни

Давлатимиз раҳбари дунё аренасида унутила бошлаган Ўзбекистонни қайта танитди. Президентликнинг дастлабки ойларидан бошланган олий даражадаги хорижий ташрифлар, анжуманлар ва саммитлар географияси кенгайди. 2025 йилнинг ўзида АҚШга икки марта ташриф амалга оширилди. Бир пайтлар биз билан ишлаш тугул, мулоқот қилишни истамаган давлатлар бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда.

тушунади”. Ушбу фикр бугун Президентимиз томонидан тadbиркорликини қўллаб-қувватлаш борасида юритилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ҳам яққол ифодалайди. Чунки тadbиркорни фақат солиқ тўловчи ёки давлатдан олиш мумкин бўлган манба сифатида эмас, балки иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, янги иш ўринлари очувчи, инвестиция жалб қилувчи асосий куч сифатида кўриш иқтисодий тафаккурнинг муҳим белгисидир.

Дунёга очилаётган Ўзбекистон

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон дунёга тўлиқ очилди деб баралла айта оламиз. Бугун 164 мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Қўшнилар билан муносабатлар мустаҳкамланди. Янги транспорт ва иқтисодий йўлақлар очилди. Ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайди. Кеча ташқи дунёга эҳтиёткорлик билан қараган мамлакат бугун дунё билан очик мулоқот қилмоқда. Ўзим орзу қилган кунларни кўриб, бехиётёр ичимдан бир ҳайқирқиқ келади: “Чегараларни очсак, ҳеч ким бос-тириб қирмас экан-ку!”. Чунки бор-йўғи 11 йил олдин хорижга чиқиш ҳар кимга ҳам эмас эди. ОВБИР деган ташкилот инсонни бамисоли “крепостной”лик даврига қайтарди. Бу ташкилот хорижга чиқиш-кириш дарвозасининг ясовулидек, қўлидаги рўқсат қалити билан кимга йўл очиш, кимнинг йўлини тўсишни ўзи ҳал қиларди. Паспортга хорижга чиқиш рўқсатномаси, яъни стикер босириш учун керак бўлса, ойлаб кутар эдингиз. Навбатингиз келиб, ўша валаматнинг олдига кирганингизда эса, худди у терговчино сиз ашаддий жиноятчидек сўроқ босланарди: “Қаерга бормоқчисан? Нима максатда? Чет элда қариндошларинг борми? Диндоримсан?”. Куракда турмайдиган, шахс дахлсизлигини писанд қилмайдиган бундай муносабатга чидашга мажбур эдингиз. Акс ҳолда...

Бир яқин дўстим Абдумажиднинг айтишича, хорижда таҳсил олмақчи бўлган синглис рўқсатнома олиш учун сўхбатга киргани воқеаси эсимга тушиб кетди. Форма кийган ходим ёш қизга бундай савол берган:

— Чет элда қандай яшайсан? Фоҳишалик қилиб кун кўрасанми?

Фаросатсизларча берилган бундай саволдан бечора қиз ҳўнграб йиғлаганча хонадан чиқиб кетган. “Рўқсатнома нима бўлди?” деб сўрасам, дўстим масалани пора билан ҳал қилиганини айтди. Нафақат чет элга чиқиш йўллари, балки мамлакат ичидagi йўларимиз ҳам сунъий тўсиқлар ва шлагбаумлар билан тўлиб-тошган эмасмида?

Фарғона водийсига қатнаганлар ўша даврларни яхши эслайди. Довон постларида ўз фуқароларимиз ҳам шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатишга мажбур эди. Гўё юртимизда йил — ўн икки ой фавқулодда вазият эълон қилингандай эди. Кечагидек ёдимда: Фарғонага таниқли журналист ва ёзувчилар Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳмад-жон Мелибоев билан тadbирга йўл олгандик. Довон постида тўхташтирдик. Аксига олиб, паспортим Тошкентда қолган экан. Иш жойимдан берилган ҳужжат ва ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам ўтмади. Мени машинадан тушириб, худди жиноятчидек пост ичига олиб киришди. Ҳамроҳларимдан хижолат бўлиб, улардан кетаверишини илтимос қилсам, улар “Бирга келдик, бирга кетамиз”, дея мен билан қолди. Укам паспортини такси орқали юборди ва икки ярим соат кутиб, қўлимга теккандан сўнггина йўлга чиқдик. Ўз юртида ўз фуқаросининг 300-400 километр наридаги вилоятга бориш учун бундай ҳўрликка дуч келиши адолатдан-миди?

Таниқли адабимиз Нурали Қобил ўша даврни “қўрқув салтанати” деб атаган эди. Бу иборанинг ҳақиқати чегаралардаги сунъий тўсиқлар, миналардан ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган юзлаб инсонлар, бир кўча наридаги ака-ука ва қариндошларини йиллар давомида бегонага айлантирган чегаралар мисолида кўринади. Ўз фуқаросига ишонмаган, унинг ҳақ-хўққунини поймол қилган давлат қўрқув салтанати бўлмай, нима? Бундай сиёсат мамлакатимизнинг халқаро имижига ҳам зарба берди. Пахта далаларидаги мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнати халқаро танқид ва бойкотларга сабаб бўлди. Бугун ортга назар ташласак, ўша кунлар гўёки қўрқинчли тушдек кўринади.

Шавкат Мирзиёев феномени

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ислохотларининг энг муҳим саҳифаларидан бири жаҳонга қайта очилган янги Ўзбекистондир. Мамлакатимизнинг барча давлатлар билан прагматик, дўстона ва иқтисодий ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат юритаётганини ҳатто мамлакатимиздан ташқаридаги танқидчилар ҳам тан олмақда. Давлатимиз раҳбари ҳокимиятга келган илк кунлариданок яхши қўшничилик алоқаларини тиклашга киришди. Бир-биридан аразлаган ака-укалардек тарқок бўлиб бораётган Марказий Осиё давлатларини яна бир стол атрофида бирлаштирди. 2018 йилдан буюн мунтазам ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақавий ҳамкорликнинг асосий сиёсий майдонига айланди. 2025 йил ноябрда Тошкентда ўтган саммитда Озарбайжон ҳам ушбу форматнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Марказий Осиёда яхши қўшничилик руҳи қайта тикланди. Умумий тарих ва бир илгизда бориб тақалладиган халқлар ўртасидаги совуқ муносабатлар ўрнини амалий ҳамкорлик эгаллади.

Давлатимиз раҳбари дунё аренасида унутила бошлаган Ўзбекистонни қайта танитди. Президентликнинг дастлабки ойларида бошланган олий даражадаги хорижий ташрифлар, анжуманлар ва саммитлар географияси кенгайди. 2025 йилнинг ўзида АҚШга икки марта ташриф амалга оширилди. Бир пайтлар биз билан ишлаш тугул, мулоқот қилишни истамаган давлатлар бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Дональд Трампдан Си Цзиньпингача, Владимир Путиндан Режеп Таййип Эрдоғангача бўлган давлат раҳбарлари Президентимизни ҳурмат билан қабул қилмоқда. Олий даражадаги ташрифлар негизда, энг аввало, Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари туради. Қарийб 40 миллион нуфусга эга, денгизга чиқиш учун камида икки давлат ҳудудидан ўтишга мажбур бўлган мамлакатимиз учун янги бозорлар ва транспорт-логистика йўналишлари нихоятда муҳим. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва очик дипломатияси туфайли ўн йиллар давомида ёпиқ бўлган эшиклар очилди, янги Ўзбекистон дунё билан жадал қилнлашмоқда. Кунни кеча юртимизда давлат ташрифи билан бўлган Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳам ўз нутқида бунни алоҳида таъкидлаб ўтди:

— Шавкат Миромонович Ўзбекистонга раҳбарлик қилишни бошлаганида вазият бутунлай бошқача эди. Буни Ўзбекистон фуқаролари ҳам, биз ҳам жуда яхши биламиз. Бугун биз бутунлай бошқача Ўзбекистонни кўриб турибмиз. Жаҳон ҳамжамиятининг жуда ҳурматга сазовор аъзосига айланган Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, транспорт инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар жуда тезкор ва самарали ҳал этилмоқда. Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси томонидан Ўзбекистон учун қилнган ишлар ва бу ислохотлар бўлганимизда, бирорта ҳам ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишнинг имкони бўлмасди.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистоннинг очик ва кўп векторли ташқи сиёсати нафақат минтақавий жипсликни таъминламоқда, балки глобал майдонда мамлакатимизнинг геоиқтисодий маъқенин тубдан мустаҳкамламоқда. Касийи денгизга орқали Европа бозорларига чиқиш, муқобили транспорт коридорларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиё, Европа ва Америка давлатлари билан савдо-сармовийи шериклигини кенгайтириш иқтисодий барқарорлиқнинг муҳим омилига айланди. Прагматик дипломатия натижасида географик чекловлар босқичма-босқич енгилиб, Ўзбекистон халқаро иқтисодий интеграциянинг ва минтақавий транзит чорраҳаларининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, дунёда айрим давлатлар ўз чегараларини тобора баланд-роқ деворлар билан ўрашга интилаётган бир пайтда Ўзбекистон очиклик ва ҳамкорликка хизмат қиладиган кўприк барпо этмоқда. Бу кўприк мамлакатимизни минтақа давлатлари, йирик иқтисодий марказлар ва бутун дунё билан боғлапти. Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий фаолияти эса нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё қитъасида замонавий лидерлик — очиклик, мулоқот ва ўзаро манфаатга асосланган янги ёндашув қандай бўлишини амалда намоён этди.

Замонавий таълим тизими — Буюк ипак йўлининг янги қарвони

Агар Буюк ипак йўли қадимда савдо ва қарвонлар орқали мамлакатларни боғлаган бўлса, Мовароуннаҳр заминида у яна бир буюк вазифани бажарган. Бу қарвон йўли илм, гоё ва маърифатни бир авлоддан иккинчисига етказди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз нафақат савдо, балки илм-фан ва тафаккур марказларига айланди. Бу заминда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоўддин Нақшбанд каби беназир алломалар етишиб чиқиб, азалий илм ва маърифат меросини келажак авлодга қолдирди.

Бугунги таълим ислохотларини ҳам ана шу тарихий ворисликнинг замонавий кўриниши сифатида кўриш мумкин. Энг муҳими, ўзгаришлар фақат янги мактаб ва университетлар қуриш билан чекланмади, таълим олишга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Мактабгача таълим қамровининг кенгайиши билан боланинг таълим жараёнига илк босқичдан кириб келиши сезиларли ошди: 2017 йилда 3-6 ёшли болалар қамрови 25,4 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилга келиб, 72,4 фоизга етди. Шунингдек, иқтидорли ва муайян йўналишга қизиқишни юқори бўлган ўқувчилар учун ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилиб, уларда фанларни чуқур ўрганиш учун алоҳида таълим муҳити яратилди. Президент мактаблари эса табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ҳамда замонавий технологияларга йўналтирилган, юқори академик талаблар асосидаги янги таълим моделини амалиётга олиб кирди.

Энг қувонарли ислохотлардан бири олий таълимга ўқишга киришдаги “1 август хавотирини”га барҳам берилди. Илгари университетга ҳужжат топширишининг ўзи алоҳида машаққат эди: абитуриент бир нечта идора остонасида сарсон бўлар, ҳужжат, маълумотнома ва навбат билан боғлиқ оворағарчиларга дуч келарди. Қабул жараёнидаги бюрократия эса адолатсизлик ва коррупция учун шароит яратарди. Тест имтиҳонларидаги “бункер” тизими, абитуриентнинг олган бали қандай шаклланганини тушуниш имкониятининг чеклангани, ақсарият ҳолатларда таниш-билишчилик ва пул орқали масалани ҳал қилишга уринишлар таълимга ишончини йўқотди. Бундай муаммолар фақат абитуриент билан чекланмасди. Университетнинг ўзида ҳам яқиний имтиҳонлар, таниш-билиш ёки бошқа манфаатларга боғланиб қоллиш коррупция учун хавфли муҳит яратарди. Ҳатто талабалар орасида “фалончи домланинг ўз нархи бор” деган аччиқ кесатиқнинг пайдо бўлгани ҳам муаммонинг қанчалик чуқур илдиз оттанидан далолат эди.

Шу нуктага назардан, таълимдаги рақамлаштиришни оддий техник янгиллик деб баҳолаб бўлмайди. Қабул жараёни ва баҳолаш тизимининг электронлаштирилиши таълимда инсон омилини камайтириш ва шиффоликни оширишга хизмат қилди. Илгари битта одамнинг қарорига боғлиқ бўлган жараёнларнинг электрон тизимга ўтиши коррупцион имкониятларни бартараф этишга хизмат қилди.

Таълимдаги бугунги рақамлаштиришнинг қиймати компьютер ёки электрон база пайдо бўлганида эмас. Асосий ўзгариш таълим жараёнида инсоннинг субъектив аралашуви, ёпиқлик ва назоратсизлиқни камайтириш имконияти пайдо бўлганида. Баҳонинг электрон қайд этилиши, талабанинг ўлаштиришини тизим орқали кузатиш, қабул ва ҳужжат топшириш жараёнларининг рақамлаштириш таълимда “кимнинг танишисан?” эмас, балки “нимани биласан?” деган мезонни кучайтиришга хизмат қилиши керак. Таълимдаги ислохотлар моҳиятини англаш учун яқин ўтмиш манзарасини эслашнинг ўзи кифоя. Бир вақтлар мактаб таълими пахта мавсумига мослаштирилар, ўқувчилар мавсумий қишлоқ ҳўжалиғи ишларига мажбурий жалб этилар, натижада дарслар мунтазам ўтилмай қоларди. Олий таълимда ҳам вазият бундан фарқ қилмасди. Талабалар ўқув йили бошланганига ҳали бир неча кун бўлмасданок пахта далаларига юборилар, кузги мавсумни далаларда ўтказиб, қиш ойларида ўқишга қайтарди. Таълим жараёнининг пахта мавсумига боғланиб қоллиш мустақиллиқнинг дастлабки йилларида ҳам тўлиқ барҳам топмади. Бу оддий ёки ташкилий муаммо эмас эди. Пахтага чорак аср қарамлик таълимнинг асосий вазифасини издан чиқариб, ўқувчининг ҳам, талабанинг ҳам билим олиш ҳуқуқини кейинги даражага тушириб қўйди. Дарс соатлари йўқотилар, ўқув дастурлари тўлиқ ўлаштириллар, устоз ва талабанинг асосий вақти билим олишга эмас, мавсумий меҳнатга сарфланарди. Мажбурий меҳнатдан воз кечиш таълим тизимидаги оддий ўзгариш эмас, унинг мақсади ва вазифасидаги туб бурилиш бўлди.

Бугун таълим тизимидаги ўзгаришлар моҳиятини айнан шу ислохотлар занжиринида кўриш мумкин. Таълимдагилар энди мавсумий меҳнат эҳтиёжига эмас, инсоннинг билим олиши ва салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилиши керак деган тамойил устувор бўлмоқда. Мактабгача таълим қамровининг кенгайиши, олий таълимга кириш имкониятларининг ошиши, қабул ва баҳолаш жараёнларининг рақамлаштириши, янги ва ихтисослашган университетларнинг ташкил этилиши ҳам ана шу туб бурилиш босқичларидир. Айни маънода, олий таълим қамровидаги рақамлар ҳам соҳадаги ислохотлар самарасини тасдиқлайди. 2017/2018 ўқув йилида бакалаврият учун умумий қабул квотаси 66 минг 316 нафар бўлган, 2025/2026 ўқув йили бошида эса олий таълим муассасаларида 1 миллион 535 минг талаба таҳсил олди. 2025 йил якунларига кўра, мамлакатда 215 та олий таълим муассасаси фаолият юритиб, олий таълимга қамров 44 фоиздан ошди. Олий таълим қамровининг кенгайиши билан бир қаторда янги иқтисодиёт ва янги касблар учун замонавий кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларига эҳтиёж пайдо бўлди.

Янги — 2026/2027 ўқув йили арафасида ижтимоий соҳада ҳам қўллаб замонавий объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Улар орасида 36 та болалар боғчаси, 43 та мактаб, 7 та олий таълим муассасаси ва 3 та шифохона бор.

Хусусан, Янги Ўзбекистон университетини ташкил этилишидан мақсад мамлакатда фақат яна бир олий таълим муассасасини кўпайтириш эмас, балки юқори салоҳиятли ёшларини учун ўз юртида халқаро стандартларга мос таълим олиш, замонавий технологиялар ва илгор илм-фан утуқларини ўлаштириш имконини яратиш эди. Бу жараёнинг яна бир муҳим йўналиши мамлакатда янги касб ва соҳалар учун ихтисослаган кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш бўлди. Айни маънода, 2018 йил 24 май кунни Президентимиз ташабууси билан ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети медиа соҳаси учун кадрлар тайёрлашни замонавий талаблар асосида қайта ташкил этишга қаратилди. Глоблалашув даврида ахборот муҳити кескин ўзгариб, интернет журналистикаси, блогосфера ва ижтимоий тармоқлар жадал ривожланаётган бир пайтда журналист энди фақат мати ёздагилар мутахассис эмас, рақамли технология, маълумотлар таҳлили, мультимедиа, сунъий интеллект ва ахборотни текшириш усулларини биладиган профессионал бўлиши талаб этилмоқда.

Бугун айни шу эҳтиёж кўлами рақамларда ҳам акс этмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан фойдаланмоқда. Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари сони 14,1 миллионга етган ва бир йилда 41,7 фоиз ошган. Демак, ахборот майдонининг ўзи ўзгарган. Илгари аудитория асосан телевизиёе, радио ва магбитот орқали ахборот олган бўлса, бугун янгиликларни асосан ижтимоий тармоқлар тарқатмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига рақамли журналистика, маълумотлар журналистикаси, мультимедиа, медиасавдохонлик, ахборотни верификация қилиш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, медиа этикаси ва ечимга йўналтирилган журналистика каби йўналишларни кучайтириш зарурати пайдо бўлди. ЮНЕСКО экспертлари билан ҳамкорликда журналистика таълимига қўйиладиган малакавий талаблар ва ўқув дастурларининг қайта шакллантирилаётгани ҳам соҳадаги утуқлардан далолат. Демак, янги ташкил қилинган таълим масканлари негизида ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати намоён бўлади: давлат таълим муассасаларини шунчаки кўпайтириш эмас, балки мамлакатнинг эртанги эҳтиёжига мос кадрлар тайёрлайдиган янги таълим моделларини яратишга этмоқда.

Аммо таълимнинг ҳақиқий қиймати дипломлар сони билан эмас, инсоннинг салоҳияти билан ўлчанади. Таълим инсонни фикрлашга, изланишга, яратишга ва масъулият олишга ўргатиши керак. Шу ўринда бир савол туғилади: биздан кейин қандай авлод қолади? Фақат диплом олган ёшларми? Ёки билимни қадрлайдиган, мустақил фикрлайдиган, янгилар яратадиган ва Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган авлодми? Бу саволнинг жавоби бугунги замонавий мактаблардан, тахрибали, фидойи устозларимизнинг дарсларидан бошланади. Оиладаги тарбияда, ижтимоий муҳитда давом этади. Шунинг учун ёшларга фақат билим бериш етарли эмас. Уларда изланишга жасорат, яратувчанликка ишонч, шу азиз Ватанга хизмат қилиш масъулиятини шакллантириш керак. Зеро, биз буюк аждодлар меросини ворисларимиз. Улар бизга илм ва маърифат хазинасини қолдирди. Энди бу хазинани асрашнинг ўзи кам. Уни янги билим, янги кашфиёт ва янги гоёлар билан бойитишимиз зарур. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид таъкидлаганидек:

Ўзингдан бир из қолдир,
Огоҳ ўғил-қиз қолдир.
Авлодларга сўз қолдир:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

3
2026 йил 27 август, 175-сон
Қадриятлар ва
ватанпарварлик сабоғи

2026 йил Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги билан боғлиқ муҳим тарихий сана. Шу муносабат билан мамлакат бўйлаб “Мустақиллик тўйи” тadbирлари, маънавий-маърифий лойиҳалар ва ижтимоий акциялар ўтказилмоқда. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида “Ватан фидойилари” монументи, “Умуммиллий бирдамлик боғлари”, “Мустақиллик зафарномаси” китоб-альбоми ва “Мустақиллиқнинг 35 йиллиғи” хотира тангаси каби ташабуслар амалга оширилмоқда. Аммо хотиранинг ўзи етарли эмас. У инсонни бутунги масъулият ва эртанги вазифаларга етаклагандагина маъно касб этади.

Инсон қаерда яшамасин, Ватан билан боғлиқ маънавий макон унинг тафаккурида сақланади. Ватан инсоннинг фақат яшаш жойи эмас, балки ўзлигини англайдиган, хотираси ва орзуларини боғлайдиган маънавий илдиздир. Шунинг учун Ватанга муҳаббат унинг ютуқларидан фахрлининг билангина чекланмайди. Унинг дардини ҳис қилиш, муаммосини ўз муаммосидек қабул қилиш ва тараққийиётга ҳисса қўлиш ҳам Ватанга дахлдорлидир.

Бугун ёшлар бу туйғунни замонавий ижтимоий тармоқлар орқали ифода этмоқда. Шакл ўзгарди, аммо мазмун ўзгармади: ВАТАНГА ДАХЛДОВЛИК ХИССА.

Хориждаги ватандошларимиз ҳам мустақиллиқнинг 35 йиллиғи муносабати билан “Мустақил Ўзбекистон, гурурим, ифтихорин” шиори остидаги тadbирларда иштирок этаётгани ҳам бу туйғу масофа билан чекланмаслигини кўрсати.

35 йиллик мустақиллиқнинг энг муҳим сабоғи шунда: МУСТАҚИЛИК ТАРИХИДА ҚОЛГАН САНА ЭМАС, АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТАДИГАН МАСЪУЛИЯТ-ДИР. Ана шу масъулият авлоддан авлодга ўтар экан, биз ҳаминча бир ҳақиқатни ёдда тутишимиз керак: бу тарихни давом эттириш, янги мазмун ва янги ютуқлар билан бойитиш янги авлоднинг зиммасида.

Ҳайитиш тўйлардан,
Марҳум фақат сенга тан,
Ота юрт, она Ватан,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ўттиз беш йиллик йўлнинг давоми

Ўттиз беш йил инсон умри учун катта давр, аммо бир халқ тарихи ва миллий давлатчилик тараққиети учун ҳали дебо-чадир. Шунинг учун 35 йиллик йўлга назар ташлар эканмиз, фақат “Нималарга эришдик?” деб эмас, балки “Энди бу мерос ва имкониятлар билан нима қиламиз?” деб сўрашимиз керак. Энди янги авлоднинг вазифаси шу имкониятларни билим, меҳнат, ҳалоллик ва ташабуус билан давом эттиришдир.

Буюк француз мутафаккири Шарл Луи Монтескье: “ЭРКИКЛИК ҚОНУН ИЖОЗАТ БЕРГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҲУҚУҚИДИР”, деб ёзган эди. Бу фикр бугунги тараққийёт ҳақиқатларини англаш учун ҳам муҳим. Зеро, эркинлик фақат инсоннинг эркин ифода этиши эмас. Эркинлик — фикрлаш, изланиш, яратиш, ташаббус кўрсатиш ва ўз талови учун масъулиятни зиммага олиш имконияти.

Мендан: “Янги Ўзбекистондаги бу эврилишларнинг негизида, энг аввало, нима ётади?” деб сўраса, ҳеч иккиланмай: “Бу 2016 йилдан бошлаб Президентимиз томонидан жамиятимизга берилган эркинлик, очиклик, мулоқот ва хурфикрликлик муҳитидир”, деб жавоб берган бўлар эдим.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: ким ўз мамлакатига, ўз халқига бундай ишонч ва эркинлик бера олади?

Менимча, ЎЗИГА, ТАЛАНГАН ЙЎЛИГА ВА ХАЛҚИНИНГ САЛОҲИЯТИГА ИШОНАДИГАН КУЧЛИ СИЁСИЙ ЛИДЕР БЕРА О

Пойтахтимиз яна бир халқаро миқёсдаги анжуманга мезбонлик қилди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқлари: замонавий ёндашувлар” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган анжуман муҳокамаларида 30 га яқин давлатдан омбудсманлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар қатнашди.

Рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича замонавий ёндашувларни муҳокама қилиш, илгор хорижий тажрибани билан алмашиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган конференцияда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ҳамда Қонунчилик палатаси



Халқаро анжуман

Сўз анжуман иштирокчиларига



Мария ТЕЛЯНИ,
ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори:

— Бугун рақамли трансформация жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инсонларга янги имкониятлар яратётган технологиялар уларнинг ҳуқуқларини теклаш учун қўлланishi ҳам мумкин. Қузатув технологиялари, шахсий маълумотларни ҳаддан ташқари йиғиш, интернетдаги таъқиб ва таъйиқлар, алгоритмик тарофақашлик ҳамда дезинформация демократия ва инсон ҳуқуқларига реал таъсир кўрсатади.

ДИИХБ ушбу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ва унинг давлат органлари, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз Ўзбекистон билан янги ҳамкорлик дастури доирасида рақамлаштириш жараёнига фақат техник тараққиёт нуқтаи назаридан эмас, балки инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Бу борадаги ташаббуслар қаторида ёшларнинг кибержиноятларга қарши чидамиллигини оширишга қаратилган кўша дастурини алоҳида таъкидлаш мумкин. Унинг доирасидаги тадбирлар орқали 100 мингга яқин ёш қамраб олинди.



Сабина АЛИЕВА,
Озарбайжон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили:

— Бугун рақамли трансформация жараёнида шахс дахлсизлиги билан боғлиқ маълумотлар хавфсизлиги масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро эътироф этилган Париж тамойилларига мувофиқ ҳолда фаолият юритувчи инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар учун ҳам бу жараён ҳар доимидан муҳим. Бугун фуқаролар мурожаатлари нафақат аъёнаний йўллар, балки электрон платформалар ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳам келиб тушмоқда. Бу эса мурожаатларга тезкор, очиқ, хавфсиз ва



Сабине МАХЛ,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори:

— Ўзбекистоннинг аёл-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш борасидаги хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган стратегия қабул қилингани ҳамда оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгилангани бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди.

Ўзбекистондаги ҳамкорларимиз билан бирга ЕХХТ дастурлари мувофиқлаштирувчи офиси томонидан ҳам мазкур йўналишда қатор ишлар қилинди. Хусусан, зўравонликдан жабрланган шахсларнинг манфаатларини марказга қўядиган ёндашувларни тергов ва жиноий таъқиб жараёнида қарши таъбиқ этиш, гендер стереотипларининг олдини олиш ҳамда аёл журналистларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.



Георгиос КАТРУГАЛОС,
БМТнинг демократик ва адолатли халқаро тартиботни рағбатлантириш масаласи бўйича мустақил эксперти, оммавий ҳуқуқ профессори, Грециянинг собиқ ташқи ишлар вазири:

— Бугунги халқаро анжуманда иккинчи сессия рақамли трансформация шароитида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интернет хавфсизлиги, кибербуллинг ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди. Бу жуда ҳам долзарб муаммо. Сабаби, дунё миқёсида интернет, айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали балоғатга тушли даражада зарар етказиётгани ҳақида далиллар етарли. Лекин шу билан бирга, биз сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлини ҳам топишимиз керак.

Шуниси аниқки, ёшларга, болаларга интернетни таъкидлаш муаммога ечим бўла олмайд. Австралия таърибисидан биламизки, 5 миллионга яқин аккаунт ёпилган, болалар бу таъқиқни айлиниб ўтиш учун ҳимояланмаган ва умуман назорат қилинмайдиган майдонларга ўтиб кетди. Интернет чегара билмас глобал тизим бўлгани учун ечимлар ҳам глобал миқёсида бўлиши лозим. Халқаро конференция бу борадаги қарашларимизни ўзаро баҳам кўриш, масалага ҳар томонлама самарали ечим топиш учун муҳим мулоқот майдони бўлди.

Марино ФАРДЕЛИ,
Лацио омбудсмани ва Италия омбудсманларининг миллий мувофиқлаштириш кенгаши президенти:

— Назаримда, Тошкент декларациясини инсон кадри, инклюзивлик, маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли саводхонлик ва аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилиш тамойилларини бирлаштирувчи рақамли инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий платформа сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур декларация “Тошкентдаги — дунёга” деган ғояни ҳам ўзида мужассам этади. Сабаби, бу каби халқаро даражадаги мулоқотлар Тошкентнинг рақамли даврда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муштарак ёндашувларни ишлаб чиқиш учун турли давлатлар ва институтлар вакилларини бирлаштирувчи халқаро майдон сифатидаги нуфузи тобора ортиб бораётганини намён этади.



Кун мавзуси

Янги ўқув йили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Талабаларни ўйлантираётган муҳим масалалардан бири — турар жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш шу кунларда янада долзарб. Жойларда янги қурилган биноларни фойдаланишга топшириш, талабаларнинг турар жойга эҳтиёжини муқобил механизмлар орқали қоплаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ана шундай эзгу ва хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида мустақиллигимизнинг 35 йиллиги байрами арафасида олий таълим соҳасида яна бир муҳим ва тарихий воқеа юз берди. 2026 йил 24 август куни юртимиз бўйлаб янгидан барпо этилган ва капитал таъмирдан чиқарилган, 6200 ўринга мўлжалланган 13 та талабалар турар жойи ва 4000 ўринли ўқув биноларини фойдаланишга топшириш жараёнига старт берилди. Бу ўқиш истагидаги йигит-қизларнинг яшаш шароитини яхшилаш, таълим олиши учун қулай муҳит яратиш ва олий таълим инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Талабанинг таълимдан ташқари ҳаётини, ижтимоий муҳити ва яшаш шароити ҳам таълим сифатига бевосита таъсир этувчи омидир. Шу боис, талабалар турар жойлари билан боғлиқ ислохотлар олий таълимни инсонга йўналтирилган тизимга айлантиришда муҳим қадам бўлаётир. Сўнгги йилларда талабалар турар жойлари тармоғини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар қилингани натижасида қамров даражаси 2017 йилдаги 28 фоиздан 2026 йилда 58 фоизга етказилгани фикримиз далилидир.

2026/2027 ўқув йилида 209,1 минг абитурient олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Тошкент шаҳридаги ОТМларга тасвия этилган 65 минг 876 абитурientнинг 56 минг 457 нафари бошқа ҳудудлардан келиб тахсил олади. Уларни турар жой билан таъминлаш муҳим вазифалардан.

2026 йил 1 август ҳолатига кўра, давлат олий таълим ташкилотларида 394 та талабалар турар жойи мавжуд. 2026/2027 ўқув йилида уларга 161 мингга яқин талаба жойлаштирилиши режалаштирилган. Шундан

52 мингта ўрин Тошкент шаҳридаги талабалар турар жойларига тўғри келади.

Янги объектларни барпо этишда хусусий сектор, жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса таълим инфратузилмасига хусусий капитални жалб қилиш фақат ижтимоий жаобгарлик эмас, балки иқтисодий жиҳатдан жозибador йўналишга айланаётганидан далолат беради.

Талабалар турар жойлари эндиликда фақат ётоқхона эмас, балки таълим муҳитининг узвий қисми, талабанинг шахсий ривожланиши, мустақил фикрлаш ва ижтимоийлашуви учун муҳим маконга айланмоқда. Шу орқали олий таълим тизими “аудитория — ётоқхона — жамият” учлигида яхлит экотизим сифатида шаклланиб бормоқда.

Устуворлик мезонлари аниқ белгиланган

Талабаларни ётоқхонага жойлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган маъмурий регламент талаблари асосида амалга оширилади. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойига барча курс талабаларини жойлаштириш онлайн шаклда кечмоқда. Турар жойга жойлаштиш учун ариза бериш 1 августдан бошланиб, ўқув йили якунига қадар давом этади.

Турар жойга жойлаштиришда белгиланган устуворлик мезонлари инобатга олинади.

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИ

2026/2027 ўқув йилига тайёргарлик қандай кечмоқда?



Жумладан, “Меҳрибонлик ўйлари” тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Гемир дафтар” ва “Аёллар дафтери”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, “Ёшлар дафтери”да туруви ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар, бир оиладан бакалаврият босқичининг кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-контракт асосида тахсил олаётган фарзандларга устуворлик берилади. Шунингдек, халқаро фан олимпиадалари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари, “Йил талабаси” ва “Талабалар театр студиялари” кўрик-танловларининг республика босқичи ғолиблари, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган “Заковат” интелтуал ўйинининг республика босқичи ғолиблари, талабалар турар жойида талабалар кенгаши раиси ва қават сардори бўлган талабалар устувор тартибда қабул қилинади.

Бакалаврият босқичида тахсил олаётган, турар жойга эҳтиёжи бор талабалар турар жойга тўлиқ жойлаштирилмасдан туриб, магистратура ва докторантура босқичида тахсил олаётган талабаларни турар жойга жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шу боис, юқоридаги мезонлар кетма-кетлиги асосида, аввало, турар жойга эҳтиёжи бор бакалаврият талабалари жойлаштирилади. Бакалаврият босқичидаги эҳтиёжманд талабалар жойлаштириб бўлинганидан сўнг талабалар турар жойларига бўш ўринлар мавжуд бўлса, кейинги устуворлик асосида магистратура ва докторантура босқичидаги қолганларга жой ажратилиши мумкин.

Янги ўқув йилида талабаларни турар жойларга жойлаштириш жараёни 25 августдан бошланди. Бу талабаларни ўқув жараёни бошлангунча қадар босқичма-босқич жойлаштириш имконини яратмоқда.

— Ўқиш бошланишидан олдин уй-жой масаласини ҳал қилиш мақсадида келдим, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университети иккинчи босқич талабаси Одибек Аллакулов. — Ётоқхонага ариза топширдим. Ўтган йили ётоқхонада турганман ва барча шaroнтлардан мамнуман. Университетга яқинлиги ҳамда дарс қилиш учун алоҳида ўқув хоналари ажратилгани, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт тўғрараклари мавжудлиги, барча шaroнтга эга спорт заллари ёшлар ихтиёрида эканини алоҳида эътироф этишни истардим.

Жой олмаганлар учун ижара механизми

Талабаларнинг турар жойга эҳтиёжини қондиришда ижара хонадонлардан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 124 мингдан зиёд талабанинг ижара хонадонларда яшаш эҳтиёжи мавжуд. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижара тўловининг бир қисми компенсация қилинади: Тошкент шаҳрида — 1 БҲМгача, яъни 440 минг сўмгача; бошқа ҳудудларда — 0,5 БҲМгача, яъни 220 минг сўмгача.

Шу тариқа турар жойга эҳтиёжманд талабалар учун ётоқхонадан ташқари ижара хонадонлардан фойдаланиш ва ижара харажатларининг бир қисmini қоплаш имконияти яратилмоқда.

Талабаларга ижара хонадонлар топшиш ва жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2026 йил август-октябрь ойларида талабаларни турар жойларга жойлаштиришга

Халқаро конференция иши рақамли муҳитда инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида эътибор талаб этаётган учта йўналиш бўйича тематик сессияларда давом этди.

Муҳокамалар давомида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланишда инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни мустаҳкамлаш, технологик тараққиёт натижасида аҳолининг айрим қатламлари янги имкониятлардан четда қолиб кетмаслиги, рақамли инклюзияни таъминлаш ва миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтларининг бу жараёндаги ролини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Конференция доирасида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг миллий ва халқаро ҳамкорлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Қатар Миллий инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Малайзия Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидан.

Анжуман якунида рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, рақамли инклюзияни ривожлантириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш ҳамда рақамли муҳитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича иштирокчиларнинг умумий ёндашувларини акс эттирувчи Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Шу куни янги форматда ташкил этилган мулоқотда эса қарорлар қабул қилиш жараёнида аёллар етакчилиги мавзуси ҳам халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилинди. Унда парламент, давлат органлари ва ташкилотларига раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган аёллар, шунингдек, Қатар, Озарбайжон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Миср, Малайзия, Туркия ва Уммондан келган омбудсманлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар раҳбарлари ва масъулари ҳамда БМТ тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, қонун, фармон ва қарорларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий механизмлар қўйи этилди. Президентимиз шу йил 6 март куни Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, энди хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир баҳолашмай туриб, бирорта қонун қабул қилинмайд.

Бу ислохотлар халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” рейтингини 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни, “Гендер тенглик ва бошқарув” индексида 52-ўринни эгаллади. Жаҳон банкнинг “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида эса мамлакатимиз ўз позициясини 43 поғона яхшилаб, 48-ўринга кўтарилди.

Норасмий ва очиқ мулоқот форматига ташкил этилган тадбирда иштирокчилар ўз профессионал тажрибаси, самарали бошқарув амалиёти, аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги таъсирини ошириш, шунингдек, етакчиликлга интилаётган ёш мутахассис аёлларни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр алмашди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Санжар ЭШМУРДОВ тайёрлади.

қўмаклашувчи 169 та марказ фаолият юритади. Уларга 767 волонтер бириктирилган. Улар талабаларга ижара хонадонлар ҳақида манзилли маълумотлар беради, эҳтиёж ва имкониятларига мос хонадон танлаш ҳамда жойлаштиришда амалий кўмак кўрсатилади.

Мақсад — муносиб шароит яратиш

Талабалар турар жойлари сонини ошириш билан бирга улардаги шароитларни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

— Жорий йилда университетимиз ҳудудида 350 ўринли талабалар турар жойи куриб битказилди, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университети ректори Тўлқин Тешабоев. — Шунингдек, университетимизнинг Қорақалпоғистондаги Тўртқўл факультети учун 600 ўринли талабалар турар жойи курилишини якунладик. Биноларда илм талабида бўлган йигит-қизлар учун барча шaroнтлар яратилган. Ногиронлиги бор талабалар учун пандуслар, кириш эшиклари, ювонини хоналари алоҳида кўрсатилган меъёрларда бажарилди.

Асосий мақсад талабаларни фақат турар жой билан таъминлаш эмас, балки уларнинг ўқиши, яшаш ва дам олиши учун муносиб шароит яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда турар жой масаласини ҳал этишининг бир неча самарали механизмни бир вақтда ишга туширишдан иборат.

Келгусида ҳам талабалар турар жойлари сонини ошириш, улардаги шароитларни яхшилаш, жойлаштириш жараёнининг рақамлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаш ва ижара хонадонлар механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Муҳими, талабаларнинг турар жой масаласи уларнинг таълим олишига тўқсонлик қилмаслиги, ҳар бир талаба учун хавфсиз, қулай ва муносиб яшаш шароити яратилиши ҳамда янги ўқув йилини уношқоқлик билан бошлаш учун зарур имкониятларини таъминлашдир.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



yuz_official

yuz.uz_news

ХАЛҚИМГА МЕХРДАН

Шукрона

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



— Болтиқбўйи республикалари ўз давлатларини мустақил деб эълон қилибди. Бизгаям навбат келиб қолар...
— Улар анчадан буён жаҳон саҳнасига озод миллат сифатида чиқиш учун курашар эди. Улар ҳурриятга ҳақли равишда эришди деб айтсак бўлади. Биз-чи...
— Бу нима деганинг? Биз курашмадикми? Бир умр қуллик, қарамликка бош эгиб яшадикми? Унда Дукчи эшон кўзғолонининг мақсади нима эди? Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ғам хур туғилгонсен!” деган ундови яроғ кўтариб турган сўз қиёфасидаги лашкар эмасми? Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаларига мустабидлар тарафидан бизнинг миллат сифатида камситилишимизга нисбатан ошқора қаршилик руҳияти сингдирилмаганим?

— Далилларингизга эътирозим йўқ. Барибир, мен ҳали-бери мустақил бўлишимизга умид қилаётганим йўқ. Шунча пахтамиз, шунча қазилма бойликларимиз билан бизни бу империя чагалидан қўйиб юбормайди. Тагин шу қадар меҳнаткаш миллат бўлсак... Ишонмайман...

Ха, 1989 йилларда турмуш ўртоғим билан шу тарзда баҳс-лашар эканман, юртимизнинг қуллик исканжасидан халос бўлишини

маросимларидан кейин мамлакатимиз раҳбари бир неча соатлардан сўнг расмий ташриф билан Туркменистонга йўл олишсини, бу биринчи расмий ташрифи эканини айтди. Оналарнинг дуосида бошқача ҳосият бўлади деди.

Байрам дастурхони атрофини тўлдириб ўтирган барча аёллар — ҳаммамиз юрак-юрагимиздан бу сафарнинг хайрли бўлишини тилаб дуо қилдик. Тилакларимга ботинимда



ҳарчанд истамайин, бу бахт ўша йилларда бизга nasib этилишига чиндан ишонмас эдим.

Аммо Худойимнинг адолати бор-да. Халқ ичиди айтиладики “Қони туттди” деган гапни кўп эшитамиш. Тобора нафси ўпқон бўлиб бораётган мустабидларга юз йиллар давомида эркинликка қарши ошқора ва пинҳона курашга чиққани боис, қамалган, сургун қилинган, отилган, осилган минглаб баҳодирларнинг, бир сўз билан ифодаланганда, жасорат элининг қони туттди. Империя агдарилди ва биз мустақилликка эришдик.

Аслида, бу маълум ҳақиқатлар. Эҳтимол, шахсан ўзим шу гапларни турли давраларда, турли муносабатлар билан неча бор айтган-дирман... Аммо яна ва яна такрорлагим келавради. Айтган сайин маза қиламан. Кўнглим ўсиб, осмон қадар юксалиб оламан. Гўёки айтганим сайин “Мустақил миллатимиз” деган икор мустаҳкамланиб бораётгандек туюлади. Айтганим сайин бу сўзларнинг кучига куч қўшилиётгандек бўлади.

Шу қанот бергучи туйгулар, шу икорлар оғушида, мана, истиқлолимизнинг 35 йиллик тантаналарига ҳам яқинлашиб келямиз. Бугун бу йилларни бир-бирига туташтирувчи йўللار ва бекатлар ҳақида ўйлар эканман, воқеа-ҳодисалар, қувончли ва ташвишли кунлар хотирам кенгликлариди тиниқ торта борди.

2017 йил 8 март санаси. Турфа гуллар билан зийнатланган муҳташам қошонада бошланган табриклаш ва тақдирлаш

тўпланиб ётган илтижоларим ҳам қўшилиб кетди. Гап шундаки, Туркменистон — менинг ўн саккиз ёшимгача яшаган тарихий ватаним. Бобо-бувиларим, ота-онамнинг қабрлари ўша тупроқда. Шу пайтгача борди-келдиларда хийлагина қийинчиликлар мавжудлиги виза олишим учун ҳам муаммолар туғдираётган эди. Бир неча йиллардан буён жигарларим дейдорига интиқ эдим. Кейинги кунларда Президентимизнинг қўшни давлатга ташрифининг ҳар бир дақиқасини назаримдан қочирамай, телевизор олдида томоша қилдим. Учрашувлар ва суҳбатларнинг дўстона руҳидан суюндим. Орадан кўп ўтмай, ортиқча машаққатларсиз виза олишга муваффақ бўлдим ҳамда ҳаётлару марҳумларни зиёрат қилиб, соғинч чўғлариди ловиллаб ётган юрагимни совитиб келдим. Менимча, бундай кунни кутиб юрган ёлғиз мен эмасдим. Ота тупроққа бемалол бориб келган қанча-қанча одамлар шукрона айтиди экан, ташриф ҳақида дуо қилди экан... Нафсиларини айтганда, гап фақат бизнинг қувончимиздами? Ассосийси, бир дарахтининг новдалари бўлиши икки давлат орасидаги масофалар қисқарганида, деворлар пасайганидир. Айтётган сўзларимиз бир-биримизга тушунарли ва ёқимли бўлганидир...

Орадан ойлар ўтиб билдикки, узоқ-яқин қўшиллар орасини яқинлаштириш мамлакатимизда бошланаётган янги сёсиётнинг устувор йўналишларидан бири экан. Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон,



ГУЛ ТУТАР ЙИЛЛАР

Туркия... Ташриф ташрифларга уланар экан, ой-нодудли байроғимиз шу давлатларнинг байроқлари билан гоҳ бизнинг юксакликларда, гоҳ уларнинг баландликлариди ҳилпирар экан, маданиятларимиз бир-биридан ранг олар, иқтисодийтимиз биргалиқда қудрат кашф эта борарди.

Осийишта отаётган тонглари шукрона билан қаршилар эканмиз, пойдевори мустақилликда бўлган, истиқлол имконлари устида бунёд этилаётган бу дўстлик қиёфасига фақат борди-келдилар, шартномалар, меморандумлар деб эмас, балки элларимизни тинчлик бағрида асрайдиган мустаҳкам кўргон деб қарай бошладик. Юрагимизга ёзилаётган туркман, қозоқ, қирғиз, тожик, озарбайжон, турк каби миллат номлари теранроққа кўчиб, овозлари томирларимизга туташди.

Дарвоқе, турк... Биз минг йиллардан буён туркий миллатимиз. Аммо мустақиллик арафаларида шу сўз олдида дунёда қандайдир бир қўрқув пайдо бўлгандек эди. Гўё шу сўз тез-тез тилга олиनावерса, унинг моҳиятидаги қудрат кучайиб борадигандек, қай бир кимсалар “турк”, “Туркистон” сўзларини тилга олди-масликка ҳаракат қиларди. Бу номларни айтишга юраги дов берганларга илжои бори-ча тезроқ “миллатчи” деган қора ёрлик ёпиштириб, овозларини бўғида бўғишга уринишарди ва кўп ҳолларда бунга эришардилар ҳам. Аммо истиқлол берган жасорат бу сўзни майдонлар ва анжуманларда баралла айтишга имкон берди. “Туркий давлатлар саммити”, “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг юз жидиллиги... Илдиниз бир бўлган миллатлар яшаётган мамлакатлар раҳбарлари бундай жараёнларда туғишган оға-инилардай бирга кўриниш берганида, биз каби зиёлиларнинг кўнгли нақадар тоғдек ўсганини тасаввур қиласизми? Айниқса, улар орасида Президентимиз борлиги ва бу жараёнларнинг шунчаки иштирокчиси эмас, балки ташаббускори ва ташкилотчиси экани қалбга шу қадар катта фахру ифтихор бахш этадики, буни ифода-лашга, шоир тили билан айтганда, “Олмосдан тарозу, олтиндан тош оз”...

Кун кунларга уланиб, вақт олға илгарилар экан, ҳаётимизга руҳий осийишатилик бўлиб кириб келаётган дўстлик фақат қардош ва қондошлар доирасидангина қолиб кетмади. Шарку Фарбонинг Хитой, Жанубий Корея, Япония, Олмония, Франция, Италия, АҚШ каби қатор доврўкли давлатларида, уларнинг расмий ва норасмий доираларига турли шаклларда етиб борган юрагимиздаги меҳр, тилимиздаги сўз, қўлимиздаги амал ва дилимиздаги ниятлар ишонч уйғотди. Уларнинг ҳар қимга ҳам очилавермайдиган пўлат эшикларини Ўзбекистон учун очилди. Жаҳондаги ўзгаришларни нийҳоятда зийраклик билан кузатадиган, кўпни кўрган бу ҳудудларга Президентимиз ташрифи билан тинчликка ва фаровонликка туташ тақлиф ҳамда ташаббуслар кириб борди. Мустақилликдан олдин қандайдир йўللар билан хорижга бориб қолган юртодошимиз ўзи ҳақида сўраганларга:

— Ўзбекман, Ўзбекистонданман, — деб миллатимиз ва юртимизни таништиришга ҳаракат қилса, эшитувчи: — Бу қаер, Афғонистонми, Покистонми? — дея қўзи ва сўзида савол ақсларнади.

Бугун эса бизни ётсиратган ўша нуқталардан жуда-жуда узоқлашиб кетдик. Санъатимиз билан зариф кўнглимизни, спортимиз (айниқса, бокс ва шахмат) билан жисмоний ва ақлий қудратимизни, хунармандлигимиз билан удабўрунлигимизни, дилимиз нақшларини дунёга танитдик. Дину диёнатиимиз билан эътиқодимизни...

Дарвоқе, дину диёнат... Азалдан ҳам дину диёнатиимиздан дунё беҳабар эмасди. Ислол оламида машхур барча алломаларимизни бир-бир санаб ўтирмай (бу санок учун саҳифалар камлик қилади), Ал-Бухорийнинг биттагина ҳадисини эшиттирсак ҳам дунёнинг ҳар тарафидан “Биз биламиз” деган акс садо қайтиши аниқ.

Мустақиллик йилларида ислол динини ўзига ниқоб қилиб олган бир неча оқимлар пайдо бўлди. Минг йиллардан буён тинчлик, маърифат ва ҳамжиҳатлик дини сифатида эъзозланиб келаётган исломни бошқача талқин қилишга уринишлар кузатилди. Бугунчилик, жаҳолат, ҳатто террор йўллари билан унинг обрўсига путур етказишга, шу йўл орқали тобора ёйилиб бораётган қанотини қирқишга ҳаракатлар анча-мунча кучли давлатларда ҳам озми-кўпми парокандаликларга сабаб бўлди. Бундай пайтда дину диёнат ҳимоясида маҳкам туриш, турганда ҳам ҳаракатларини фақат сўз билан эмас, амалда кўрсатиш мамлакатимизнинг, қолаверса, сёсиётиимизнинг навбатдаги жасорати бўлди десак, адашмаган бўламиз. Зийрак ўқувчимиз гап пойтахтимизнинг қоқ марказида қад тиклаган муҳташам мажмуа — Ислол цивилизацияси маркази ва қайта таъмирланиб, бугун минглаб зиёратчиларни қабул қилаётган Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳақида кетаётганини аллақачон пайқаган бўлса керак. Улардаги замонавий технологиялар воситасида жонланандиган экспонатларнинг ҳар бири ислол эътиқодида яшаган ва унга амал қилган миллатимизнинг тафаккур теранликлари, яратувчанлиги, довораклиги ҳамда заҳматкашлигидан сўз айтди.



Юртимизнинг икки нуқтасида жойлашиб, бир-бирига жон ришталари билан боғланган бу икки мажмуа ҳақида кўп ва хўп айтилган фикрларни такрорламоқчи эмасман. Фақат миллат шаъни, номуси ва эътиқод ҳимояси мана шундай бўлади, биз ва бизнинг сёсиётиимиз, 35 ёшга тўлган истиқлол сёсиётиимиз ўз миллияти ва қадриятларигади гавхарларни мана шундай намойиш қилиш, ишонтириш билан ҳимоя қилади, деб баланд овозда айтгим келади.

Буларнинг барчасидан мурод нима? Дўстлик ҳам маблаг, вақт, юракнинг энг тоза тўридаги туйғуларини сарфлаш, яъни маънавий фидойилик эвазига барпо бўлади.

Мустақиллигимиз фахри бўлган ҳар икки буюк ишшоот ҳам жоннисорлик, жонкуярлик, ўзингни унутиб, зарра-заррангача сарфланишининг ҳосиласидир. Хўш, бунча харжланишлар нимага?

Ўттиз беш йил давомида давлатимиз сёсиёти ўлароқ, қонунларимизда, қарорларимизда, широларимизда айтилган ҳар бир сўз, олға ташланган ҳар бир қадам ва ҳар бир ҳаракат фақат ва фақат миллатимиз манфаати учун ўйланган, яратилган воситадир.

Мустақиллик йилларида ички ҳаётимизда юз берган ва юз бераётган янгилик-ўзгаришларини ҳам шу нуқтан назардан кузатамиз ва баҳолаймиз. Шу ўринда кўпроқ ўзимни ҳаяжонга солган бир-икки жиҳатга тўхталмоқчиман. Мустақил бўлганимиздан сўнг ҳам ҳарбий соҳа учун ёш кадрларни етказиб бериувчи мактаблар Суворов номида яшаб қолди. Ҳарбий ҳаёт учун, армия учун миллий гуруру сув ва ҳаводек зарурдир. Фақат миллий гурури бор аскарига 35 сарҳадларини ҳимоя қилишга, улар учун курашга қодир бўлади. Ана шу ҳақиқатни ўз вақтида кўра билган мамлакатимиз раҳбари ўсмир ўғлонларимизни ҳарбий ҳаётга ҳозирлайдиган ўқув даргоҳларини “Темурбеклар мактаби” деб аташни тақлиф қилди. Бу мактабда саркарда боболаримизнинг ҳарб илмлари ўқитилиши бир тараф бўлса, “Темурбеклар” аталмиш салобатли номининг ўзи бир тараф бўлди.

Ўғил-қизларимиз ҳақидаги суҳбатларнинг бирида Кува туманининг Акбаробод қишлоғидаги ихтисослашган мактабда узоқ йиллар директорилик қилган дугонам Холисон Усмонова бундай гапириб қолди:

— Ўсмирлигида неварам Шоҳнурнинг роса шўхлиги тутди. Ҳадеганда қулолавермади. Ерга урсанг, осмонга сапчийди. Бунни қандай қилиб йўлга солсак экан, деган ўй-хаёлларда юрган пайтимизда, Фарғонада “Темурбеклар мактаби” фаолият бошлади. Уни ёнимга ўтказиб, Амир Темур бобомиз ҳақида тарихдан билганларимни гапириб бердим. Ўғил бола эмасми, ҳиқоям бобомиз айтгим келади.

ғолиб чиққан жангларга келганида кўзлари чакнаб кетарди. Шу мактабда ўқишга қизиқиб қолди...

Ха, Шоҳнур Муҳаммаджонов “Темурбеклар мактаби”да ўқиди. Ўқиганда ҳам аълочилар сафиди бўлди. У фақат мутахассисликка оид фанларинигина эмас, балки тарих ва инглиз тилини ҳам жуда яхши ўзлаштирди. Мактабни битиргач, Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқишини давом эттирди. Ҳар икки ўқув масканида шаклланган темир интизом, чуқур ўзлаштирилган билим ва аниқса, йиллар давомида қалбиди мукамаллашиб борган миллий гуруру туйғуси бугун унинг ўзи танлаган соҳада намунали мутахассис сифатида фаолият юритиши учун мустаҳкам пойдевор бўлаётгани чин.

Истиқлол замини ва замонида номлар бежиз танланмайди. Номлар ҳам ўзига хос залворли юкни кўтаради. Модомики, гапимиз мавзуси ўғлонларимиз билан боғлиқ экан, фикримизни мустақилликнинг яна бир инъоми — “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан давом эттираемиз. Жамятиимизда қизлар тарбиясига катта аҳамият берилди. Уларни касбга тайёрлаш, ўқитиш, онлага ҳо-зирлаш ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келган. Шу билан бирга, оилада ҳам, жамятда ҳам ўғил болалар тарбиясига, уларда орномус каби туйғуларни қуайтиришга катта эътибор қаратиш керак. Уларни оналарга, опа-сингилларга таянч бўладиган, она юкига елка тутадиган, масъулиятли эркак қилиб вояга етказиш таълим-тарбиянинг марказида турмоғи даркор. Шу маънода, бундан бир неча йиллар аввал ўз тенгдошлари орасида иқтидори ва яхши фазилатлари билан ажралиб турган йигитларимиз учун “Мард ўғлон” мукофоти таъсис этилиши бу йўналишда олға ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Бундан уч йил аввал сирдарёлик Баҳром Баҳруллаев ҳам бир гуруҳ тенгдошлари қатори “Мард ўғлон” мукофоти билан тақдирланди. У — шахмат бўйича турли даражадаги катта мусобақалар ғолиби.

— Мукофот учун жуда зўр ном танланган, — дейди чемпионнинг онаси Зуҳра опа. — “Мард ўғлон”лар сафига қўшилган пайтлари Баҳромнинг мусобақаларга қаттиқ тайёриланши керак бўлган даврга тўғри келди. Барибир, ҳали туйғулари тиниб улгурмаган асов йигитча эмасми. Бир ёқда мукофотнинг ҳавоси... Учрашувлар, олимпиадалар, ўқимиз эрта келган муваффақият йўлларида адашиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо мукофотдаги “Мард” сўзи қирғоқ бўлиб уни маҳкам асов ушлитча қолди. Отис икковимиз: “Ўзбек халқи ҳаммамни мард деймайди”. Лафзида турадиган, олиси ва элининг юзини қизартрмайдиган йигитни мард дейди” қабилидаги гапларни айтиб турдик.

Баҳром чиндан ҳам мардларга ҳос яшамокда. Утган йиллар давомида Тошкент халқаро иқтисодий ва дипломатия университети талабаси бўлди. Икки кунларда яна бир халқаро турнирга тайёргарлик қурмоқда. Самарқандда бўлиб ўтадиган Халқаро шахмат олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Мамлакатлар, миллатлар, воқеа-ҳодисалар ва инсонлар тақдирларини ҳам шу нарсас кўриниб турибдики, Ватан озодлиги, миллат озодлиги бу — тақдирнинг энг қудратли, энг гўзал ва энг ёқимли аҳшиилигидир. Шунинг учун турли сабаблар билан хорижга кетиб, жангтоҳларда жараланган миллатдошларимизни юртимизга қайтариш мақсадида ўтказилган “Меҳр” операциялари ҳақида сўз очамизми ёки Россиядаги Халқлар дўстлиги университетини тугатиб, Москвада ишлаётган бухорлик Иzzат Шариповнинг юртимизда тадбиркорларга яратилаётган шароитлардан хабардор бўлгач, сердаромда ишини ташлаб, Ўзбекистонга қайтганидан ва оғир техника билан хизмат кўрсатадиган корхона ташкил қилганидан гапирамизми — барибир ўша яхшилик нурулари ёғдуси ва ҳароратини ҳис қилиб тураемиз. Икки фарзанди билан ўн уч ил ижара уйларда сарсон бўлган Гулнора Шомаҳмудованинг эҳтижманд аёлларга кўрсатилаётган кўмак туйфули Сергели худудидан ватани-уйли бўлгани тўғрисидаги хушхабарни сёлайимизми ёки бухорлик Дилноз Рўзиеванинг истиқлол берган имконларга таяниб, оддий муаллимликдан қандай қилиб Бухоро инновациялар университети ректори даражасига кўтарилгани билан боғлиқ воқеаларни ўртага ташлайимизми — асло ўша озодлик бахш этган яхшилик ва эзгулик қувончларидан узоқлашмайми.

Йиллар вақт қанотиди учиб ўтаверади. Кейинги йил ўттиз олти, сўнг эса ўттиз етти, ўттиз саккиз... Аммо бу йилимиз, яъни ўттиз бешимиз шунчаки ўтиб кетаётган вақтга қўшилиб кетмайди. Унга тўқилган манглав терлар, унинг ҳар дақиқасига жон бўлган фидойиликлар, ниятлар, умидлар, армонлар ишончларнинг барчаси халқимизнинг жон сиёҳига ботириб ёзаётган қаламларидан тўқилган кутлуг сўзларда, миллатимизнинг шонли тарих китобида абадий муҳрланиб қолади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйратхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-846.
29305 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаххис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 01:35 Топширилди — 01:40



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.